

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
МАХСУС СОН**

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES
SPECIAL ISSUE**



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабирова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
кандидат социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Матибаев Тасполат МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИ.....	4
2. Фарфиев Бахрамджан ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИНГ РОЛИ.....	18
3. Аликариева Аълохон ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	30
4. Атамуратов Мурат БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	40
5. Муйдинова Мохира АРХИВЫ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ В СОЦИАЛЬНОМ УПРАВЛЕНИИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ.....	49
6. Қаюмов Қахрамон КИЧИК ШАҲАРЛАР ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	56
7. Инатуллаев Бахромжон ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ.....	65
8. Махкамова Шахло, Умарова Умида, Алиқориева Барно YOSH LARNING IJTIMOY-IQTISODIY ISTAKLARINI TADQIQ ETISH UCHUN USLUBIY TAVSIYALAR.....	73
9. Нишанбаева Энахон, Абдухалилов Абдулла ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	81
10. Қаршиева Дилбар ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – ОИЛАЛАР МУСТАҲҚАМЛИГИ ГАРОВИ.....	89
11. Давронова Феруза ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ФАОЛ АЁЛ ТИМСОЛИ.....	97
12. Қаршиев Нурмухаммад ПАРТИЯ ВА ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМЛАРЛАРНИ ТУРКУМЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ.....	106
13. Заитов Элёр ИНСТИТУЦИОНАЛ МУАССАСА БИТИРУВЧИЛАРИНИ ЖАМИЯТГА ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ.....	115
14. Рахматов Нуриддин ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА СОЦИОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	127
15. Тўраев Одилжон АҲБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИГА СОЦИОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР.....	141
16. Tojibaev Bakhromjon SOCIOLOGICAL INTERPRETATION OF DEVIANCE.....	149

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Тўраев Одилжон Бектемир ўгли,
Ўзбекистон Миллий университети
тадқиқотчиси
e-mail: oalimov452@gmail.com

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИГА СОЦИОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

For citation: Turayev Odiljon Bektemir ugli, Sociological approaches to the concepts of information and psychological security. Journal of Social Studies. 2020, Special Issue, pp.141-148

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2020-SI-15>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ахборот-психологик хавфсизлик тизими миллий хавфсизлик соҳасининг тағ тизими сифатида ёритилиб, ушбу тушунчага нисбатан социологик ёндашувлар терминологик ва ретроспектив таҳлил қилинган. Бундан ташқари, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасига нисбатан ёндашувларда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари сифатида, ахборот сифатида, инсон психикаси сифатида, мафкура ва ғоя сифатида илмий қарашлар ёритилган бўлиб, ахборот-психологик хавфсизликка шахс, жамият ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг зарурати сифати ёндашилган. Мақолада ижтимоий жараёнларда ахборот-психологик таъсир этиш усуллари ва қамрови ҳамда уларнинг салбий ва ижобий тавсифларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ахборот-психологик хавфсизликнинг назарий-методологик асослари, мазкур тушунчага нисбатан фанлараро ёндашувлар таҳлил қилинган ҳамда ахборот-психологик хавфсизлик тизимига социологик ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот хавфсизлиги, ахборот-психологик хавфсизлик, ахборотлашган жамият, шахс ахборот-психологик хавфсизлиги, ахборот таъсир, мафкуравий хавфсизлик.

Тураев Одилжан Бектемир угли,

Соискатель

Национального университета Узбекистана,

e-mail: oalimov452@gmail.com

СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ПОНЯТИЯМ ИНФОРМАЦИОННО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ БЕЗОПАСНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье система информационно-психологической безопасности рассматривается как базовая система национальной безопасности, а социологические подходы к этому понятию анализируются терминологически и ретроспективно. Кроме того, в подходах

к понятию информационно-психологической безопасности освещаются научные взгляды человека, как жизненно важные интересы общества и государства, как информация, как психика человека, как идеология и идея, как необходимость жизненно важных интересов личности, общества и социальных групп в информационно-психологической безопасности. В статье особое внимание уделено методам и охвату информационно-психологического воздействия на социальные процессы, их негативным и положительным характеристикам. Также были проанализированы теоретико-методологические основы информационно-психологической безопасности, междисциплинарные подходы к данному понятию и сравнительный анализ социологических подходов к системе информационно-психологической безопасности.

Ключевые слова: информация, информационная безопасность, информационно-психологическая безопасность, информационное общество, информационно-психологическая безопасность личности, информационное влияние, идеологическая безопасность.

Turayev Odiljon Bektemir ugli,
Researcher
National University of Uzbekistan
e-mail: oalimov452@gmail.com

SOCIOLOGICAL APPROACHES TO THE CONCEPTS OF INFORMATION AND PSYCHOLOGICAL SECURITY

ANNOTATION

This article describes the information-psychological security system as a subsystem of national security, and provides a terminological and retrospective analysis of sociological approaches to this concept. In addition, approaches to the concept of information and psychological security are reflected in scientific views as the vital interests of the individual, society and the state, as information, as the human psyche, as ideology and ideas. The term "information and psychological security" is interpreted as the need to ensure the vital interests of the individual, society and social groups. The article pays special attention to methods of information and psychological impact on social processes and their negative and positive characteristics. Moreover, the theoretical and methodological bases of information and psychological security, interdisciplinary approaches to this concept are analyzed and sociological approaches to the information-psychological security system are also selected as a subject comparative analysis.

Keywords: information, information security, information-psychological security, information society, information-psychological security of an individual, information influence, ideological security.

Ахборот – ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва тафаккур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалари мажмуи, демакдир. Инсон ахборот оқими таъсирида яшар экан, турли-туман воқеа, ходисалар ва жараёнларнинг бир-бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини таҳлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўриш, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари қандай амал қилаётганлигини англаб этиш мақсадида кўпдан-кўп сўзларга, далил ва рақамларга мурожаат қилади.

Ҳозирги даврда инсоннинг ҳар бир фаолияти ахборот билан, яъни ахборот йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиш билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда, ахборот сўзи ўзининг маъно жиҳатдан чегарасини кенгайтириб, эволюцион тарзда ривожланиб бораётганлиги сабабли, ахборот ва унинг хавфсизлигига доир турли хил концептуал тушунчалар ва ёндашувлар ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Мазкур ҳолат, Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва унда социологик ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ахборот борасидаги хавфсизлик – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати [1, – Б.1] сифатида эътироф этилган. Тадқиқотчиларнинг назарий ёндашувларида ушбу тушунчага нисбатан кенгрок таъриф берилиб, соҳадаги миллий манфаатлар билан боғланади. Хусусан, мамлакатимиз тадқиқотчилари фикрига кўра, ахборот хавфсизлиги, деганда, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларнинг ҳимоялангани тушунилиб, булар шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мутаносиблиги билан белгиланади [2, – Б.98]. Ушбу таъриф, ахборот хавфсизлигига берилган турли таърифларнинг ўзагини ташкил қилади. Яъни, жамиятда ахборот муҳитининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатлари доирасида шаклланиши, фойдаланилиши ва ривожланишини таъминлайдиган ҳимояланганлик ҳолати ахборот хавфсизлиги ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигини тизим сифатида таҳлил қиладиган бўлсак, у масаланинг техник, психологик, социологик ва ғоявий жиҳатларини ўзида акс этувчи турли тағ тизимлардан ташкил топган. Фанда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник жиҳатларига кўпроқ аҳамият қаратилган бўлиб, қолган йўналишларда нисбатан кам илмий изланишлар олиб борилган.

Ахборот хавфсизлиги уни тадқиқ этишнинг мураккаблиги, унинг кўп қирралилиги ва ўз навбатида муайян соҳаларга ажралиши билан характерланади.

Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг асосий соҳаларидан бири бўлиб, учта соҳани ўз ичига олади:

1. Ахборот-техник хавфсизлик;
2. Ахборот-мафкуравий хавфсизлик;
3. Ахборот-психологик хавфсизлик.

Ахборот-техник хавфсизлик, деганда табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки касдан қилинган таъсирлардан ахборот ва уни қўллаб-қувватлаб турувчи инфратузилманинг ҳимояланганлиги тушунилади [3, – Б.63]. Бундай таъсирлар ахборот муносабатларига, жумладан, ахборот эгаларига, ахборотдан фойдаланувчиларга ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминловчи инфратузилмага жиддий зарар етказиши мумкин.

Ахборот-техник хавфсизликнинг объекти ахборот бўлиб, асосий таҳдид фойдаланишга рухсат этилмаган субъект томонидан ахборотни қўлга киритиш, бузиш, йўқ қилиш, ўзгартириб кўрсатиш ҳисобланади. Натижада, ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектга моддий ва маънавий зарар етказилади.

Ахборот-мафкуравий хавфсизлик тизимида таҳдид жамиятга қаратилган бўлиб, ижтимоий норозиликни келтириб чиқариш, давлат тизимини ўзгартириш, миллатлараро тотувликни бузиш, аҳолини маънавий жиҳатдан қашшоқлаштиришга қаратилган сиёсий ва мафкуравий ахборотлар орқали амалга оширилади. Одатда, улар тенденциоз характер касб этиб, бир томонлама талқин қилинган, ёлғон маълумотларга асосланган ёки бўрттирилган бўлади.

Ахборот-мафкуравий хавфсизликда таҳдид ахборот орқали амалга оширилиши миллий хавфсизликнинг ахборот хавфсизлиги соҳаси билан, натижалари мафкуравий қўпоровчиликка олиб бориши эса сиёсий аҳамият касб этганлиги сабабли сиёсий хавфсизлик билан алоқадор. Шунингдек, унда таҳдид объекти жамият ҳисобланиши ижтимоий хавфсизликка ҳам таъсир кўрсатишидан далолат беради. Ахборот-мафкуравий хавфсизлик жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга, ахборот-психологик хавфсизлик эса шахснинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга қаратилган хавфсизликнинг соҳаларидир. Шу нуқтаи назардан, ахборот-мафкуравий хавфсизлик ахборот-психологик хавфсизликка яқин бўлиб, мазмунан бир-бири билан боғлиқдир. Ахборот-мафкуравий таҳдидларнинг таъсири дастлаб шахснинг тафаккур тарзи ва ҳуққ атворида намоён бўлиб, шахс психологияси ва ижтимоий табиатининг ўзгаришига олиб келади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ҳимоя объекти ахборот эмас, балки, психикадир. Ахборот-мафкуравий хавфсизликнинг ҳимоя объектини эса ғоя ва мафкура ташкил қилади. Бунда шахсдан ахборот олинмайди, аксинча,

онгининг шаклланишига таъсир кўрсатилиб, унинг базисини ташкил қилувчи сифатлар, кадриятлар, ижтимоий-психологик установкалар ўзгартирилади. Натижада, шахснинг маънавий-психологик шаклланишига путур етади. Ахборот-психологик хавфсизлик шахснинг социал-биологик бутунлик сифатида кўради. Бунда социал мавжудот сифатида унинг ижтимоий табиати, биологик мавжудот сифатида унинг онги ва онг ости ҳолати назарда тутилади. Шу сабабли, шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш уларнинг ҳар иккисини бир-бири билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишни талаб қилади. Бунда, ахборот ва унинг инсон томонидан қабул қилиниши, у билан боғлиқ психика, психик жараёнлар, жамоавий онгга таъсир қилиш механизмига асосий эътибор қаратилади.

«Шахс ахборот-психологик хавфсизлиги» тушунчаси XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида рус ва Америка социологик ва психологик мактаби вакиллари томонидан илмий муомалага киритилган. Хусусан, 1995 йил 21 ноябрда Россия Фанлар Академияси Психология институтида соҳага бағишланган биринчи халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. Ушбу конференцияда шахс ахборот-психологик хавфсизлиги тушунчасининг кўп қирралилиги, объекти, унга нисбатан субъектив ёндашувлар кўриб чиқилади [4, – С.194].

Ахборот-техник воситаларнинг ривожланиши натижасида шахс онгини эгаллашга қаратилган таҳдидлар кўпая бошлади. Бу ҳолат ахборот-психологик хавфсизликнинг алоҳида тармоқ йўналиши сифатида юзага келишига олиб келди. Унинг алоҳида тармоқ сифатида шаклланиш жараёнини ретроспектив таҳлил қилсак, қуйидаги икки давр алоҳида ажралиб туради:

Биринчи давр XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1991 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Ушбу даврда ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси илмий муомалада бўлмаган, лекин, ахборот телекоммуникацияларининг ривожланиши фонида шахснинг турмуш тарзига ва фикрлашига психологик таъсир технологияларидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, бу даврда психологик хавфсизлик ижтимоий хавфсизликнинг алоҳида бўғини сифатида фанда шаклланган.

Иккинчи давр ахборот-психологик хавфсизликнинг алоҳида тармоқ сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, 1992 йилдан ҳозирги кунгача бўлган вақтни ўз ичига олган босқичлардан иборат.

XX аср сўнггида шахс ахборот-психологик хавфсизлиги тушунчасига икки хил ном остида илмий муомалага кириб келди:

1. Шахснинг психо-физиологик хавфсизлиги (Personal psychophysical security) номи билан АҚШ психологик мактабларида 2000 йилларда шаклланган бўлиб, шахс онгининг информацион-психологик ҳимояланганлиги ҳамда инсон органларини энерго-информацион таъсирлардан ҳимояланганлигини билдиради.
2. Шахснинг ахборот ва психологик хавфсизлиги (Personal information and psychological security) номи остида АҚШ социологик мактабларида пайдо бўлиб, шахснинг ҳаётини муҳим манфаатларини информацион муҳитда салбий ахборот-психологик таъсирлардан ҳимояланганлик ҳолатини ифодалайди [5, –С.63].

Шахс ахборот-психологик хавфсизлиги тушунчасини турли фанлар ўз объектдан келиб чиқиб, турлича талқин қилмоқда. Бу ҳолат ахборот-психологик хавфсизликнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб олишга қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, ушбу тушунчани назарий жиҳатдан терминологик таҳлил қилишга эҳтиёж туғилади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасининг терминологик таҳлили ушбу тушунчага нисбатан психологик, социологик, сиёсий ёндашувлар доирасида турлича эканлигини кўрсатмоқда. Қуйида турлича ёндашувни таҳлил қиламиз.

Шахс ахборот-психологик хавфсизлиги тушунчасига психологик ёндашувлар бошқа фанлар доирасидаги ёндашувлардан кўра, олдинроқ пайдо бўлиб, мазмун моҳиятида шахс томонидан “истеъмол” қилинган ахборотнинг инсон психикасига салбий таъсиридан ҳимоя қилиш акс этади. Психологик ёндашувда асосий урғу ахборотнинг психологик таъсирига қаратилади. Ушбу ёндашувдаги дастлабки қарашлар 1995 йилда Россия Федерациясида ахборот-психологик хавфсизликка бағишланган халқаро конференция давомида шаклланган.

Хусусан, рус тадқиқотчиси Г.В.Грачев талқинига кўра, ахборот-психологик хавфсизлик – деструктив маълумотлар таъсирида шахснинг онгини шакллантириш ёки қайта шакллантириш орқали жамият ва давлат манфаатларига номувофиқ ҳаракатланишига олиб келувчи инсон психикасининг салбий таъсирлардан ҳимояланганлик ҳолатидир [6, – С.19].

АҚШ психологик мактаби вакиллари ахборот-психологик хавфсизлик, деганда индивид ва гуруҳ онгининг инфор­мацион-психологик ҳимояланганлиги, шунингдек, инсон органларини энерго-инфор­мацион таъсирлардан ҳимояланганлик ҳолатини тушинади [7, – Р.8]. Ушбу ёндашув 2000 йилларнинг бошида психо-физиологик хавфсизлик тушунчаси остида шаклланган бўлиб, у мазмунан ахборот-психологик хавфсизликни ифодалайди.

Психологик ёндашувнинг бошқа бир вакили В.Баришполец ахборот-психологик хавфсизликни инсоннинг ижтимоий хулқ-атвори­га адекват йўналган ахборот асосларини шаклланиши ва унинг фаолият кўрсатишига ҳалақит берадиган, қийинлаштирадиган ахборот таъсирдан инсон психикасининг ҳимояланганлик ҳолати сифатида кўради [8, – С.41].

А.Манойло, А.Петренко, Д.Фролов давлат ва нодавлат ташкилотларнинг шахс ва гуруҳлар онгининг ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимояланиши ва улар онги тараққиёти учун яратган шарт шароитлари мажмуасини ахборот-психологик хавфсизлик сифатида қарайди [9, – С.35]. Бошқа бир мутахассис, И.Краснов ахборот-психологик хавфсизликка кўйидагича таъриф беради: ахборот-психологик хавфсизлик – шахс, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимояланиш учун назарий ва амалий билимларга эгалигидир [10, – С.9].

Психологик ёндашувдаги ўзига хослик ахборот-психологик хавфсизликни таърифлашда шахс томонидан “истеъмол” қилинган ахборотнинг инсон психикасига салбий таъсирдан ҳимоя қилиш акс этади. Психологик ёндашувдаги асосий урғу ахборотнинг психологик таъсирига қаратилади.

Юқоридаги тушунчаларни шахсининг ахборот-психологик хавфсизлиги таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. «Хавфсиз» тушунчасининг ўзи турли даражадаги хуружлардан ҳоли ва ишончли ҳимояланганлик имониятларини кўрсатиб берувчи тушунча ҳисобланади. «Хавф» эса, турли кучлар томонидан, бирор бир тизимни нисбатан унинг фаолияти барқарорлигини ишдан чиқаришга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. «Хавф» тушунчаси ўзининг манбасига кўра, амал қилувчи кучларига кўра, таъсир қилувчи объектига кўра ва, шунингдек, хавфлилик даражасига кўра хилма-хил кўринишда бўлади [11, – С.11].

«Хавф» нинг юзага келиши, маълум даражада, муайян шароитларга боғлиқ бўлади. Бу соҳада иш олиб борган тадқиқотчилар «хавф» тушунчасини, муайян даражада, инсонга моддий, жисмоний ва руҳий жиҳатдан турли даражада хавф туғдириши билан боғлиқ равишда тушунтиришган [12, – С.48].

Ахборот-психологик хавфсизликка сиёсий ёндашув, дастлаб, АҚШ тадқиқотчиларининг илмий ишларида кузатилган. Ушбу ёндашув вакиллари ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда асосий урғуни давлатга қаратиб, уни таърифлашда, давлат томонидан ҳимояланганлик ҳолати ва кафолатланишига асосий эътиборни қаратади (социологик ёндашувда нодавлат секторга эътибор қаратилади). Жумладан, Т.Малых таърифига кўра, ахборот-психологик хавфсизлик – давлат томонидан шахс ва гуруҳларнинг ахборот маконидаги манфаатларининг таъминланиш кафолати [13, – С.Б.86] сифатида қаралади.

Россия Федерациясининг «Ахборот-психологик хавфсизлик тўғрисидаги» қонун лойиҳасида ахборот-психологик хавфсизлик – алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳининг салбий ахборот-психологик таъсирлардан ва шунга алоқадор шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати [14] деб таъриф берилади.

Бошқа бир тадқиқотчи В.Лепский таърифига кўра, ахборот-психологик хавфсизлик – турли хил кўринишдаги ахборот таҳдидларидан ҳимояланганлик ҳолатидир [15, – С.49]. Сиёсий ёндашув асосида берилган таърифлардаги «салбий таъсир», «таҳдид» тушунчалари

давлат ҳокимиятининг кўрилишидан келиб чиқиб, бошқарув сиёсати ва уни амалга оширишдаги манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади.

Умуман олганда, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасига нисбатан ёндашувларда ҳимоя объектини шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари сифатида, ахборот сифатида, инсон психикаси сифатида, мафкура ва ғоя сифатида қарашлар кенг тарқалган. Бизнинг фикримизча, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасига нисбатан ёндашувда ахборотни ҳимоя объекти ёки предмети сифатида қараш масаланинг мазмун моҳиятида ахборот хавфсизлигининг бошқа тағ тизими – ахборот-техник хавфсизлик билан назарий фарқларни йўқолишига олиб келади. Шу сабабли, ахборотнинг ўзи ахборот-психологик хавфсизликнинг объекти бўла олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ахборот-психологик хавфсизликни таърифлашда тизимга қарши қаратилган таҳдидларнинг пайдо бўлиш табиатига кўра, табиийлигини, кўзланган мақсад асосида бўлишини, келиб чиқиш манбасига кўра, ташқи ва ички бўлишини, улар орқали келадиган зарарнинг ҳам моддий ҳам маънавий аҳамият касб этишини, таҳдидлардан ҳимоя объекти инсон онги (психикаси) эканлигини ҳисобга олиш керак.

Социологик ёндашувга кўра, ахборот-психологик хавфсизлик шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг тўлиқ фаол социал субъект сифатида мавжуд бўлиши ва тараққий этиши учун зарур бўлган муҳит билан хавфсиз ахборот ҳамкорлигининг йўлга қўйилганлик ҳолатидир [16, – С.56]. Бошқа бир таърифга кўра эса, ахборот-психологик хавфсизлик – шахс, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир [17, –С.10].

Социологик атамаларнинг изоҳли луғатида эса, ахборот-психологик хавфсизликка шахс, жамият ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг деструктив шаклдаги маълумотлардан ҳимоя қилишда давлат томонидан ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари, [18] деб таъриф берилган.

А.Лунев, Н.Пугачевалар эса, масаланинг фалсафий жиҳатларига урғу бериб, манфаатлар билан боғлайди. Уларнинг таърифига кўра, ахборот-психологик хавфсизлик шахс ва гуруҳларнинг ахборот маконидаги манфаатларининг таъминланиш кафолатидир [19, – С.10].

Социологик ёндашув вакиллари ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётидаги ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролдан келиб чиқади. Бундан ташқари, ижтимоий онг шакллари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг турмуш тарзида акс этишига эътибор қаратади. Шунингдек, улар жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда аҳоли турли қатламларининг қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги тафаккур тарзидан келиб чиқиб, ёндашиш керак, деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг фикримизга кўра, инсон онгига ахборот-психологик таъсир этиш бир-бирини тўлдириб боровчи усулларидан фойдаланиб, амалга оширилиши мумкин. Бу билан боғлиқ равишда ахборот-психологик таъсир этиш усулларига қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- ишонтириш (мантикий схема асосида қурилган исботлар асосида);
- ишончига кириш (онг остига таъсир этиш орқали);
- бир-бирини тўлдирувчи усуллар (объектнинг онг ва онг остига таъсир координацияси орқали).

Ишонтириш ва ишончига кириш техникаси қуйидаги асосий босқичларга бўлинади:

- маълумотга эътиборни жалб этиш (маъновий, визуал, аудиуал, ритуал);
- боғланишни ўрнатиш (таъсир этиш дастурининг ишга тушириш);
- қайд этиш ва эътиборни қатъий ушлаб туриш;
- объектнинг муайян ахборотга нисбатан психологик эътибор майдонини торайтириш;
- ахборотни қабул қилишдаги субъектив тўсиқларни бартараф этиш;
- таъсир этиш дастурини тугатиш, мақсадга эришиш.

Юқорида баён этилган фикрларидан хулоса қилган ҳолда, ахборот-психологик таъсирнинг салбий ва ижобий тавсифларни қуйидаги жадвалда ифода этилган (1-жадвал).

Ахборот-психологик таъсирнинг салбий ва ижобий тавсифларни

Ижобий ахборотлар тавсифи	Салбий ахборотлар тавсифи
Умуминсоний манфаатлар ифодаси	Хусусий манфаатларни ифода этиши
Ижтимоий фойдалилиги	Ижтимоий зўравонликнинг мавжудлиги
Руҳий ҳолатга ижобий таъсир	Руҳий беқарорлик келтириб чиқариши
Шахсий дахлсизликга зид эмаслиги	Шахсий дахлсизлик ҳуқуқларни бузиши
Жамият белгилаган меъёрлар доирасидалиги	Жамият белгилаган меъёрлардан чиқиши
Ахборотда яширин функциянинг мавжуд эмаслиги	Яширин таъсир функциясининг мавжудлиги
Ахборотнинг холислиги	Ахборотнинг бир ёқламалилиги
Ижтимоий-сиёсий маъсуллик	Ижтимоий-сиёсий келишмовчиликга ундаши
Ахборот учун жавобгарлик мавжудлиги	Ахборот учун жавобгарлик мавжуд эмаслиги

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ахборот-психологик хавфсизликни таърифлашда тизимга қарши қаратилган таҳдидларнинг пайдо бўлиш табиатига кўра табиийлигини, кўзланган мақсад асосида бўлишини, келиб чиқиш манбасига кўра, ташқи ва ички бўлишини, улар орқали келадиган зарарнинг ҳам моддий ҳам маънавий аҳамият касб этишини, таҳдидлардан ҳимоя объекти инсон онги (психикаси) эканлигини ҳисобга олиш керак.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда.
2. Каримов И.М., Тургунов Н.А. Ахборот хавфсизлиги асослари – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 98.
3. Умаров Б., Ахмедова М. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик – Т.: “Chashma Print”, 2013. – Б. 63.
4. Ежевская Т.И. Основные направления и подходы к исследованию информационно-психологической безопасности личности в отечественной науке // Психология. 2013. № 3. – С. 194.
5. Баришполец В.А. Информационно-психологическая безопасность: основные положения // Информационные технологии. 2013. № 5. – С. 63.
6. Грачев Г.В. Личность и общество. Информационно-психологическая безопасность и психологическая защита. М.: «Пер Сэ», 2012. – С. 19.
7. Josh More Measuring Psychological Variables of Control In Information Security NY.: The SANS institute, 2011. – P. 8.
8. Баришполец В.А. и др. Основы информационно-психологической безопасности. Под общей редакцией В.А.Баришпольца. М.: МГФ Знание, 2012. – С. 41.
9. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. – М., 2003. – С. 35.
10. Краснов И.З. Решения по организации системы информационной безопасности на основе акмеолого-компетентностного подхода. – М., 2015. – С. 9.
11. Общая теория безопасности (актуальные методологические и социально-политические проблемы). – М., 1994. – С.11.
12. Коллективные авторы. Личность, общение: Словарь социально-психологических понятий. – Санкт-Петербург, 1987. – С. 48
13. Малых Т.А. Педагогические условия развития информационной безопасности младшего школьника Автореф. дисс. ... канд. наук пед. – Иркутск: ИГПУ, 2008. – С. 86.

14. Проект Федеральный Закон России “Об информационно-психологической безопасности”.
15. Лепский В.Е. Проблемы обеспечения информационно-психологической безопасности России // Информационное общество. – 1999. - № 3. – С. 49.
16. Бабосов Е.М., Социология. Энциклопедический словарь. М.:Либроком., 2009. – С. 187.
17. Лунев А.Н., Пугачева Н.Б. Информационно-психологическая безопасность личности: философский аспект // Общество: философия, история, культура. 2015. № 4.
18. Большой толковый социологический словарь. Gufo.me https://gufo.me/dict/social_dict.
19. Лунев А.Н., Пугачева Н.Б. Информационно-психологическая безопасность личности: философский аспект // Общество: философия, история, культура. 2015. № 4.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
МАХСУС СОН**

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES
SPECIAL ISSUE**

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000